# ДЎППИНИНГ ТАРИХИ

**Наманган вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи илмий ходими:Ниязова Умида**

**Ҳар бир халқнинг миллийлигини намоён этувчи белгилар бўлиб, улардан бири бу – унинг миллий кийими, ундаги ранг, нақш ва шакл ҳисобланади.**

**Юртимизда миллийлик рамзи сифатида дўппи алоҳида ўрин тутади. Бугунги кунда ушбу бош кийимини кийиш нафақат моддий маданиятимизга эътибор, балки маънавий меросга эҳтиром, миллий қадриятларга қайтишнинг ёрқин намунасидир.**

Кадимги даврларда бош кийимга караб Узбекларнинг этник ва локал гурухлари билан фарк килинган. Эркаклар бошига асосан турли хилдаги дуппи (дуппи, такё) кийган, аёллар эса купинча ранг -баранг румол ёпинган. Дуппининг даставвал тагини ва гардиши (кизаги) ни айрим холда тикиб кашталаганлар ва майда кавалаб кушиб тикканлар. Одатда, дуппига нозик гул кадаб тикилади, айрим аёлларнинг дупписига майда мунчок, маржонлар. Хоразмликларда жияк ва попук такилади. Илгари конус шаклидаги дуппилар Тошкент, Самарканд, Шахрисабзда таркалган, энди эса Шахрисабзда сакланган.

Бироз япалок ясси шаклда ичига ураб когоз билан майда кавик килинган дуппилар асосан Фаргона водийсида маълум. Айникса «Бодом» ёки «калампир» чакиш ок ипак ип билан таги кора матоларга кашталанган Чуст дупписи нафакат водийда, балки Чустдан ташкарида хам машхур. Таги кашта килиниб, ранг -баранг гул шаклидаги Хужанд-уртатепа дуппилари бутун Узбекитонга таркалган.



Эркаклар кийиши учун калпок-кулох 4 булак уч бурчак матодан гардишсиз тикилган. Конус шаклидаги баланд кулохни илгари каландорлар кийган, тухум шаклидаги чаккаси бир оз юмалок кулохни Бухорода кишилар кийганлар. Бундай бош кийим урта асрлар минатюраларида куп учрайди. Асли кулохни рухонийлар ва диндор кишилар купрок кийганлар. Кулохга ухшаш теридан тикилган кишки телпак Самарканд ва Бухорода учрайди. Фаргона водийсида ва Тошкент вилоятида телпак духоба ёки мовутдан тикилган тепаси тулки ёки сафсар муйнаси, куй терисидан тикилган. Телпак бичимида кийгиздан тикилган кулпокни асосан даштда яшовчи ахоли кийган.

Кулкопнинг 2 четида кесиги (кийик жойи) ва соябон учун кенг химояси булган. Одатда калпок ок кийгиздан, химоясининг чеккаси эса кора читдан тикилган.



Хоразм Узбекларининг  аёллари ипакдан тикилган доирасимон шаклдаги гулли тахё (дуппи) га ипдан ёки куш патидан попук урнатганлар, тангалар осганлар. Тахё устидан одатда румол ёпилган. Бу ерда румол турлари куп булган: махаллий усталар тукилган ок такана  ва ипак румол (читкор гул босган, жундан тукилган накшли сергул румол, четдан келтирилган Боку румоли, Паранг  Француз ёки Оврупа румоли ва хоказолар).

Эркакларнинг  кадимдан киядиган бош кийими чугирма бир неча турда куй терисидан тикилган, коракул терисидан тикилган шерози попок ва кулочин пайдо булган.

Бутун Узбекистонда салла ураш айникса байрамларда илгаридан шартли одат булиб келган. Аммо Фаргонанинг  айрим туманларида ва Хоразмда байрам булса-да, баъзи кишилар салла урнига дуппи ёки телпак кийган, холос. Саллани дуппи ёки кулок устидан ураганлар, ранги ва ураш услуби билан бир оз фарк килган. хозир салла ураш кам таркалган, уни асосан кариялар ва диндор кишилар купинча маракаларда ва диний байрамларда ураб чикадилар.

Аёлларнинг  кадимий анъанавий бош кийими гардиши баланд юмшок култа (кийгич) хозир бутунлай кийилмайди. Култанинг  эски турида тепаси очик булиб, соч урами чикарилган, ёки кизларнинг  кийгичида тепаси ёпик булган. Салла ураш

Узбек аёлларининг  кадимий бош кийими хисобланган. XIX àñð îõèðèгà кåëèá Ñàìàðканд, Тошкент ва Андижонда бу одат колиб кетган. хозиргача баъзи Узбекларда салла ураган аёлларни кисман учратиш мумкин. Аёл салласи узаро бир оз фарк килинган. Купчилик аёллар уни узига хос шаклдаги махсус бош кийим-лачак устидан кийилган. Самаркандликлар лачакни узунрок килиб ураб кукрак ва орка томонини бекитиб турган. Тошкентликларда  хам худди шу бичимда лачак кийилган. Самаркандликлар лачакни узунрок матодан бир оз бошкача шаклда тикканлар. Жанубий Хоразм Узбеклари салла шаклида айлантириб, бир учини кукрагига ташлаганлар. Одатда илгари уйдан ташкарига чикилса, аёллар салла устидан мирсак ёки учбурчак румол шаклида ок ёки кизил ип матодан тикилган чарчи ёпиниб чикканлар.

Эски одатга биноан саллани аёл биринчи фарзанд кургандан сунг  урай бошлаган. Кейинги вактларда она биринчи набира кургач, салла ураш одати пайдо булган салла ураш махсус иримлар билан кадимий даврлардан кийилганлиги тугрисида тарихий маълумотлар мавжуд. Узбек лачагига ухшаш бош кийим кишилик номи билан козок ва коракалпокларда хам маълум.

Аёлларнинг  купчилиги кейинчалик анъанавий бош кийимидан воз кечиб, хар хил рангдаги ва турли материалдан тукилган румол ёпина бошладилар. Румол ураш ёки ёпиниш хам турлича, кулайлигига караб ураганлар. Фаслга караб катта рангли куп гулли ипак жун ёки тукилган тивит румол ураш одатда хозиргача сакланган.

Дўппиларимиз ҳақида қизиқарли  факт

1. Дўппилар қадимдан эрон ва туркий халқлар орасида кенг тарқалган. Ўзбекистонда Чуст, Андижон, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Бойсун, Шаҳрисабз дўппилари машҳур.

2. Ўзбекистоннинг энг машҳур дўпписи тўрт қиррали Чуст дўппиларидир. Унинг томонлари эгасини борлиқнинг тўрт асосий нуқтасидаги ёвуз кучлардан ҳимоя қилади. Қора ранг фазони ва қоронғиликни англатади, безакда одатда оқ иплардан фойдаланилган. Либоснинг 4 томонидаги “қалампир” ҳаётни, оилавий

фаровонликни англатади ва ёмон кўздан ҳимоя қилади. Дўппининг пастки қисмида келтирилган 16 арка ҳаёт ва ўлим давомийлигидир. Шакл бериш орқали улар бойлик ва ҳаётий энергия таъминотини жалб қиладилар. Аркадаги қўзичоқ шохлари куч ва жасоратни англатади.

3. Тошкентнинг духоба дўпписи сидирға бахмалдан, бухоро дўпписи сидирға ёки гул-ли бахмалдан тайёрланади; бухоро дўпписига ранг-баранг ипак ипларда йўрма усулида каштa тикиб безатилган жияк тутилади.

4. Ироқи дўппи Шаҳрисабзда кенг урф бўлган, кейинчалик бошқа жойларга тарқалиб, ҳар бир маҳаллий жойнинг ўзига хос безак усулида яратила бошланди. дўппининг бу турида кашта иплари суғирилиб тўр ҳолига келтирилган мато (сурп)га рангли ипак ёки ингичка толали пахта ипи билан ироқи чок(терма ва босма усули)да тикилади (номи шундан). Ироқи дўппининг энг яхши намуналари Шаҳрисабз ва Китоб дўппидўзлари томонидан тайёрланади.

5. Бухоро зардўзларининг зардўзи-гулдўзи ва зардўзи-заминдўзи (“Юлдуз”, “Товус”) дўппилари бадиий жиҳатдан юқори баҳоланади.

**Узбек дуппилари**:

1. Ироки гаргул (Тошкент).
2. Тагдузи.
3. Ироки курбака нусха.
4. Йурмадузи (Самарканд).

5-6 Мунчок гулли (Андижон)

7. Ироки (Шахрисабз).

8-9 Бойсун дуппилари.

10 Ироки санама (Шахрисабз).

11-12 Бойсун дуппилари.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. *«Узбек энциклопедия» си Т-1997*
2. *www.pedagog.uz*
3. *www.ziyonet.uz*
4. *Архив .уз*